



Gazeta 1956 yildan
chiqa boshlagan 2015 yil Fevral 2 (740)

Bilim - taraqqiyot negizi

Agroном

TOSHKENT DAVLAT AGRAR UNIVERSITETI GAZETASI

УНИВЕРСИТЕТ ХАБАРЛАРИ

2015 yil - Keksalarni e'zozlash yili

Эъзоз, кадр, эхтиром... Булар одамзотга хос энг олийжаноб, пок туйгулар мужассам гўзал фазилатлардир. Жумла жаҳонни нуру зиёга буркамоқ мумкин улар билан. Зеро, инсон кадр этаркан, кадр топади, эъзози сабаб эса элда азизланади. Бизнинг юксак эхтиромимизга сазовор зотлар эса, шубҳасиз, ёши улуғларимиз, нуруний кексаларимиздир.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда қилган маърузаларида “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Қариялар – хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси” деган мақол ва ҳикматли сўзларни келтириб ўтдилар ва 2015 йилни **“Кексаларни эъзозлаш йили”** деб эълон қилдилар. Шу боис бугун турли соҳаларда эришяётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг унутилмас ва улкан хизмати борлигини, биз улар олдида умрбод қарздор эканимизни унутмаслигимиз лозим.

Тошкент давлат аграр университети “Зоотехния” факультети, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Бошланғич ташкилоти Кенгаши ҳамда, Тошкент вилояти Қибрай тумани “Салар” шаҳарчаси “Бобур” маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан ҳамкорликда, “Кексаларни эъзозлаш – ҳар бир ёшнинг бурчидир” шиори остида хайрия акцияси бўлиб ўтди. Акция доирасида университетга яқин маҳаллаларда истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, ёлғиз қолган қария ва ногиронларга амалий ёрдам берилди.

Ёши улуғ кишилар биз учун ибрат мактаби, йўлимизни ўзларининг доно маслаҳатлари билан ёритиб турувчи маёқ сингаридир. Уларнинг ҳар бир пандларига қулоқ тутиш, амал қилиш ҳаётимизни янада фаровон, дилларимизни чароғон айласа, пок ниятларидан ишимизда унум, юртимизда осойишталик бардавом бўлади. Кексаларимизнинг ана шундай ибратомуз насиҳатлари ва эзгу дуолари хамиша ҳамроҳимиз бўлсин!

**Р. Хасанов “Зоотехния” факультети талабаси,
“Камолот” ЁИХ Бошланғич ташкилоти сардори.**

ULAR BIZNING FAXRIMIZ!

2015 yil 7 fevral kuni Toshkent Davlat agrar universitetida 2014-2015 o'quv yilida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti stipendiyasi va Davlat stipendiyasi sovrindorlari hamda joriy yilda yutuqlarga erishgan iqtidorli talabalarini taqdirlash marosimi bo'lib o'tdi.

Tadbirida universitet rektori professor B.A Sulaymonov so'zga chiqdi. Ular o'z so'zida davlatimiz tomonidan yoshlarga katta e'tibor qaratilganligi, ularning yetarlicha bilim olishlari, kelajakda barkamol inson bo'lib yetishishlari uchun barcha sharoitlar yaratilganligi, Toshkent Davlat agrar universiteti talabalari ham yaratilgan imkoniyatlardan unumli foydalanib, bugungi kunda bir qancha yutuqlarni qo'lgan kiritayotganliklari haqida gapirdi. Hozirda universitetda 6000 dan ortiq talaba tahsil olayotgani, 2013/2014-o'quv yilida universitetning 2 nafar talabasi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti stipendiyasi, 4 nafar talabasi Beruniy va Navoiy nomli Davlat stipendiya sovrindorlari bo'lganligi, shuningdek 7 nafar iqtidorli talaba Germaniyaning Bavariya shahrida “Sharqiy Yevropa bilan Ekologik muvozanat” mavzusida amaliyot o'taganligi, 1 nafar sportchi talaba O'zbekiston Respublikasi chempionatida erkaklar va ayollar o'rtasida stol tennis bo'yicha shaxsiy musobaqalarida 1-o'rinni egallaganligini alohida ta'kidlab o'tdi. Yutuqlarga erishgan talabalarni muvaffaqiyatlari bilan tabriklab kelgusidagi o'qish va ishlarida ulkan zafarlar tiladi. Tadbirida talabalarga Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining diplomlari va esdalik sovg'alari topshirildi. Ushbu talabalarining erishgan yutuqlarini talabalar orasida keng targ'ib etish masalasi yuzasidan mutasaddi xodimlarga topshiriqlar berildi.



Universitetimizda “Kamolot” yoshlar ijtimoiy harakati boshlang'ich tashkiloti tashabbusi hamda “Kamolot” yoshlar ijtimoiy harakati viloyat kengashi hamkorligida **“Yoshlar, keling bir kulishaylik”** mavzusida kulgi kechasi bo'lib o'tdi. Kulgi kechasida “Handalak” guruhi yoshlarga o'z chiqishlari bilan tabassum ulashishdi. Bu esa o'z navbatida talabalarining ma'daniy hordiq olishlarini ta'minladi.



**Jahongir Xidirov
Kamolot Yo'IIH BT matbuot yo'nalishi sardori**

BUYUK MUTAFAKKIRLARGA EHTIROM



NAVOIYNING HUZURIGA BOR

Гар бахт недур, билмок истасанг,
Топай десанг иймондан қарор.
Рухинг ичра қилиб юрмай жанг,
Навоийнинг хузурига бор!

Байтлар ичра таралган оҳанг –
Ҳақиқатдан безавол изҳор.
Бу оламда бир ўзинг қолсанг,
Навоийнинг хузурига бор!

Сени элтар олий маконга,
Ул маконда маконсизлик ёр.
Сигмай кетсанг яна осмонга,
Навоийнинг хузурига бор!

Тўрт томондан топмасанг таскин,
Гар туюлса чексиз дунё тор.
Сақлаб юрмай ҳаётингга кин,
Навоийнинг хузурига бор.

Қуш тилини ўрганиб бу кун,
Симурғга айланай десанг,
Парчаланиб бамисли куқун
Бўлсин десанг дилдаги харсанг,
Сақлаб юрмай юрагингга қор,
Навоийнинг хузурига бор!

A FAMOUS POET MIR ALISHER NAVOI

Mir Alisher Navoi is a famous Uzbek poet and writer. He was born on 9 February in 1441 in Herat and also known as Nisam-al-Din Alisher Navoi. He was the greatest representative of Chagatai language literature. Alisher Navoi served as a public administrator and adviser to his sultan, Husayn Bayqarah. He was also builder who is reported to have founded, restored, or endowed some 370 mosques, madrasas, libraries, hospitals, caravanserais and other educational schools in Khorasan. In Herat, he was responsible for 40 caravanserais, 17 mosques, 10 mansions, 9 bathhouses, 9 bridges, and 20 pools.

Under the pen name Navoi, Alisher was among the key writers who revolutionized the literary use of the Turkic languages. Navoi himself wrote primarily in the **Chagatai languages** and produced 30 works over a period of 30 years, during which Chagatai became accepted as a prestigious and well-respected literary language. Navoi also wrote in **Persian** (under the pen name **Foni**), and, to a much lesser degree, in **Arabic**.

We know Alisher Navoi is a founder Uzbek language. He wrote the Khamsa, which is composed of five epic poems and is an imitation of Nizami Ganjavi's Khamsa.

Khamsa – the common title of the five dastans by Navoi that were written in 1483–1485. With this work Navoi established a precedent for quality literature in Chagatai. The five dastans included in Navoi's *Khamsa* are:

- Hayrat-ol-abrar (Wonders of Good People).
- Farhad va Shirin (Farhad and Shirin).
- Layli va Majnun (Layli and Majnun).
- Sab'ai Sayyar (Seven Travelers), (about the seven planets).
- Sadd-i-Iskandari (Alexander's Wall), (about Alexander the Great).

Navoi had a great influence in areas as distant as India to the east and the Ottoman Empire to the west. His influence can be found in Central Asia, modern day Turkey, Kazan of Russia, and all other areas where Turkic speakers inhabit. Navoi is considered the national poet of Uzbekistan in Uzbek culture.

Our Uzbek language's history and culture were also very great. We proud of our language and wellknown poets. I believe that language will develop in the future.

Sh.Ozodbekov Meva-sabzavotchilik va uzumchilik fakulteti 2-63-guruh talabasi
Ilmiy rahbar: Ingliz tili kafedrası o'qituvchisi G.Tilovova .

BOBUR SIYMOSIGA EHTIROM!

O'zbek xalqi o'tmishda o'tgan ko'plab buyuk daholari bilan haqli ravishda faxrlansa arziydi. Ularning ko'plari nafaqat o'z diyorida, balki dunyoning ko'plab mamlakatlarida ma'lum va mashhurdir. Ana shunday buyuk zotlardan biri Zahiriddin Muhammad Boburdir.

Bobur tarixda umri kurashlar, urushu g'alayonlar, notinchliklar bilan kechgan shaxs sifatida ham taniqli. U Temuriylar saltanatini saqlab qolish uchun harakat qildi. Umri chet ellarda kechdi. Hayoti Afg'oniston, Hindiston kabi davlatlar bilan bog'liq bo'ldi. Bobur yirik madaniyat arbobi sifatida ma'lum. U yoshligidan ilm bilan shug'ullangani, fors, arab tillarini o'rganishi, adabiyot, tarix, tilshunoslik, adabiyotshunoslik, musiqa va boshqa sohalar bilan shug'ullangani bois ham ma'rifatni anglaydigan, madaniyatli kishi bo'lib yetishdi. U fanning turli sohalariga doir ko'plab asarlar yozdi. Boburning lirik devonlari, «Boburmoma», «Mufassal», «Xatti Boburiy», «Harb ishi», «Musiqiy ilmi» islom dini asoslarining bayoni bo'lgan «Mubayyin», «Volidiya» tarjimasi va boshqa asarlari uning shuhratini yanada oshirdi.

Bobur ijodi ko'p qirralidir. Ammo uning she'riyat sohasidagi shuhrati yana ham yuksakroqdir. Boburning bizzacha rang-barang janrlardan iborat lirik devoni yetib kelgan. Bobur devonlarining qo'lyozma nusxalari unchalik ko'p emas. Devonlarining qo'lyozma nusxalari Parijda, Hindistonda, Turkiyada, Eronda va boshqa joylarda saqlanadi. Bu devonlar bir necha marta nashr etilgan. 1910 yilda Hindistonda, 1915 yilda Istambulda, 1917 yilda Petrogradda nashr etilgan. Bobur devonlari ingliz, fransuz va boshqa tillarga ham tarjima qilingan. 1943-1957 yillar orasida rus tilida nashr etilgan.

Bobur ruhan qiynalganda ham, hayoti quvonchu shodliklar bilan to'lganda ham, qiynoqlar girdobiga tushganda ham, mag'lubiyat alamini tortganda ham, hamma vaqt she'riyat bilan sirlashadi.

Bobur she'riyatining asosiy mavzusi ishq-muhabbatdir. Bobur yurt haqida, Vatan sog'inchisi, yor va diyorni madh etish, odob-axloq, ma'rifatni kuylash, davr ozorlaridan shikoyat kabilar haqida ham yozadi.

Shoir she'riyatida ishq-muhabbat, hayot zavq-shavqlari kuylangan g'azallar anchagina. «Yoz fasli...» deb boshlanuvchi g'azalida «yoz fasli», «boda kayfiyati», «ishq dardi», «do'stlar suhbatini», «she'r bahsi» haqida gap boradi.

Shoir «Sochiniing savdosi...», «Sendek menga...», «Xazon yaprog'i yang'lig' gul yuzing hajrida sarg'ardim», «Ko'rmagay erdim jamolin...», «Jamoling vasfini...» deb boshlanuvchi g'azallarida ana shu ruh yetakchilik qiladi. Lirik qahramon yori visoliga orzumand. Uning yuzini ko'rish, so'zini eshitish niyatida.

Jamoling vasfini, ey oy, necha eldin eshitgaymen

Ne kun bo'lg'ay visolimga meni dilxasta etgaymen.

Bugungi kunda Boburga ulug' ehtirom ko'rsatilmogda. Ayni kunda Andijonda muhtasham Bobur bog'i hammani lol qoldirmogda. Bobur nomidagi xalqaro jamg'arma, xalqaro ekspeditsiyalar mavjudligi, Bobur merosi bo'yicha xalqaro anjumanlar o'tkazilishi va boshqalar ana shu e'tibor natijasidir. Yaqinda, 14 fevral kuni yurtimizda Bobur tavalludining 532 yilligi keng nishonlandi. Buyuk shaxslar siymosiga ehtirom ko'rsatish barchamizning burchimizdir.

A.Ashurov. «Falsafa» kafedrası o'qituvchisi. A.Ubaydullayev. «Qishloq Xo'jaligini Mexanizatsiyalash» fakulteti 4-05 - guruh talabasi



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР НАЗОРАТСИЗЛИГИ ВА ҚАРОВСИЗЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ МУАССАДАЛАРИ, ОИЛА ХАМДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида, “Ёшларга оид давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонунга ва ёшларнинг манфаатларига дахлдор бўлган ижтимоий, иқтисодий ҳамда ўзга муносабатларни тартибга солидиган бошқа қонун ҳужжатларига асосланади” деб баён қилинган. Бунинг мантикий давоми сифатида 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” қабул қилинди. Унда белгиланган вазифаларда таъкидланганидек: “...эртанги келажак эгалари бўлган ёшларни ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш орқали уларнинг ҳуқуқ ва қонунга бўлган фикрини аниқлаш, керак бўлса, зарур ёрдамлар, чоралар ишлаб чиқиш керак. Узлуқсиз таълим тизимини ўрта босқичи яъни касб-хунар таълими босқичида ҳам ҳуқуқ фанларини ўқитишига алоҳида аҳамият бериш” кераклиги таъкидлаб ўтилган.

Ёш фуқароларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш давлат ва жамоат ташкилотлари, бирлашмалар ва корхоналарнинг ёшларга нисбатан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган вазифаларини шахснинг кадр - ким-

матини оилада, меҳнат ва ўқув жамоасида, турар жойда ҳар томонлама химоя қилишни ўз ичига олади. Ёшларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда вакиллик, ижроия, суд ҳокимияти идоралари, шунингдек, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг ёш фуқаролари Конституция ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлардан тўлиқ фойдаланадилар. Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини уларнинг ёшига қараб қандайдир бевосита ёки билвосита чеклаб қўйишга йўл қўйилмайди ва бундай ҳатти-ҳаракатлар амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Вояга етмаганларнинг муомала лаёқати масалалари, ёш фуқаролар айрим тоифаларининг (ноғиронлар, уй бекалари, болалар уйида тарбияланаётган ҳамда тарбияланиб чиққанларнинг ва ҳоказо) ҳуқуқларини химоя қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солиб турилади.

Давлат шахснинг ҳуқуқларига риоя этилишини ва унинг кадр-қиммати ҳурмат қилинишини, ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар инсонпарвар режимда сақланишини кафолатлайди, озодликдан маҳрум қилиш жойларида уларнинг аҳволини халқ депутатлари Кенгашлари ва жамоатчилик томонидан назорат қилиниши учун шарт-шароит яратди. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар учун содир этган жиноятларининг оғирлики даражаси ва уларнинг ёшини ҳисобга олиб, озодликдан маҳрум қилиш жойларида табақалаштирилган режимда сақлаш назарда тутилади.

Ўқувчилар ва талабаларнинг ўқув-тарбия муассасалари маъмурияти билан ўзаро муносабатлардаги ҳуқуқ ва бурчлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, шунингдек тегишли муассасалар ўзини ўзи бошқариш идораларининг қарорларида белгиланади.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида: - «тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда шу жумладан, фуқароларнинг қелиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини химоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашди» деб белгилаб қўйилган. Ҳозирги кунда аксарият маҳалла идораларига ота-онасига нисбатан маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги ҳақидаги суднинг чакирув қозғоли келгандагина улар хабардор бўлмоқдалар. Унча коллеж, мактабга ўқувчининг мунтазам келмаётганлиги ҳақидаги мактаб ва коллеж ўқитувчисининг оғоҳлантириш хатлари кўп ҳолларда натижадиз қолиб кетмоқда. Уларнинг ўқишга нима сабабдан бора олмаётгани билан қизиқиб, керак бўлса шу оилага ижтимоий ёрдам кўрсатиб, ўқувчиларни дарсларга мунтазам қатнашишларига қўлларидан келганча ёрдамларини аямай, мунтазам назоратга олса, бундай болалар келажакда шу маҳалла учун, унинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун катталар олдида масъулиятни ҳис қилиб яшайдиган бўлиб тарбияланади.

Н.Умурзокова ТДАУ “Гуманитар фанлар”
кафедраси ассистенти
Д. Расулова “Агроиқтисодиёт” факультети
3-20-гuruh талабаси

МЕНГА ЛАЙЛИ КЕРАК

Йиғлайвериб кўзда ёшим қолмади,
Дунёдан ўтаман яшаб мен танҳо.
Мангу уйқудаги ёр уйғонмади,
Менга Лайли керак, ўзгаси асло...

Қуёш ботар яна тун чўқар аста,
Мен эса бедорман юрагим хаста.
Уни ўйлайман ҳар он, ҳар нафасда,
Менга Лайли керак, ўзгаси асло...

У Мажнунинг севса, севаверсин бас,
Дилимдаги туйғу эмас ҳеч хавас.
Тутқунлади қалбим ишқ деган қафас,
Менга Лайли керак, ўзгаси асло...

Тириклик кимгадир бахт, ширин қулгу,
Кум учундир азоб, армонли туйғу.
Менинг учун битмас қайғули уйқу,
Менга Лайли керак, ўзгаси асло...

Ошиқларга хавас қилмангиз сира,
Биттаси мен бўлсам кун-туним хира.
Бахт сўрасанг менга Лайлини сўра,
Менга Лайли керак, ўзгаси асло...

Жаҳонгирбек Норбўтаев
1-33-гuruh Қишлоқ хўжалигида
менежмент йўналиши талабаси

МУШОҲАДАГА УНДОВЧИ ФИЛЬМ

Ҳар қайси инсон ватан деганда ўзи яшаб турган ерини, мусаффо осмонини иноқ оиласини тушунади. Ватан сўзини тилга олганда қалбининг нозик торлари чалиниб кетади. Бундайларни ватанпарвар инсон дейиш мумкин. Лекин, яна шундай инсонлар борки, улар бундай туйғудан хоҳишсиз. Юраклари ўрнига кўксига тош солиб юришади. Булар ватан хоинлари, сотқинлар.

Гапларимизнинг асл мазмунига ўтадиган бўлсак, Университетимиз фаоллар залида “Ўзбекино” миллий агентлиги бююртмасига биноан, Ҳ.Насимов томонидан суратга олинган “ГУМРОҲЛАР” фильмининг намойиши бўлиб ўтди. Фильмни ўзига инсонийлик, ватанпарварлик хислатларини жо қилган фильм дейиш мумкин.

Фильмда мустақилликка эришган давлатимизни улуг мақсад йўлидан тойдириб, халқнинг тинч-тотув ҳаётини остин-устун, пароканда қилмоқчи бўлган бузғунчи ғоявий кимсалар ҳақида ҳикоя қилинади. Фильмда, ижобий образ режиссёр образи ҳам бор. Бузғунчи ғоявий кимсалар ўз қабих режаларини бу ерда амалга оширолмасдан Америка, Туркия давлатларига қочиб кетишиб ўша ердан одамлари орқали ўз қабихликларини амалга ошира бошлади. Америка, Туркияга ижодий сафар билан борган режиссёр жиний террор гуруҳ раҳбарлари ҳақида хабар топиб қолади. Ва, улар билан учрашиб тинч-тотув, меҳмондўст ўзбек халқининг фаровон ҳаётига зарар етказиши ўз ота-онанинг юзига оёқ қўйиши билан баробар эканлигини, шу юртнинг нон-тузини еб унга хиёнат қилаётганлигини, ватангадо гумроҳлар эканликларини тушунтиради. Фильм ижобий яқун топади. Фильмнинг ҳар бир эпизоди катта маҳорат ва профессионаллик билан ишланган.

Фильм яқунланганидан сўнг режиссёр Ҳилол Насимов ҳамда бош рол ижрочиси Мирза Азизов билан ижодий суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат жараёнида талабалар фильм ижодкорларига фильмининг олиниш жараёнлари ҳақида, умуман ижод олами ҳақида бир-бирдан қизикариги саволлар беришди ва фильм қаҳрамонлари томонидан ўзларига керакли бўлган жавобларни

олишди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки, Ватанпарварлик, инсонийлик туйғуларини ўзига сингдирган шундай фильмлар ёшларнинг Ватанга, ота-онага бўлган муҳаббатини, ҳурматини янада оширади ва баркамол, Ватанпарвар шахс бўлиб шаклланишида катта рол ўйнайди.

Жаҳонгирбек Норбўтаев

SOG'INDIM

Hali oldindami nurafshon kunlar,
Negadir, sham yoqsa yorishmas ko'nglim.
Go'yoki qolgandayman qorli hayolda,
Bahorim, kelaqol seni sog'indim!

Qaniydi bir zumda tugasa azob,
Mendan nari ketsa o'shal hijronlar.
Bilmadim qayerda yo'qotib qo'ydim,
Quvonchli kunlarim, sizni sog'indim!

Ne qilay sog'inib bora olmasman,
Yuragim yonar lek o'chirolmasman.
Ko'ngil osmonimda ko'rinmaydi oy,
Quyoshli kunlarim, sizni sog'indim!
Bahorim, kelaqol seni sog'indim!

Sheroz O'roqov “Fermar xo'jaligini
boshqarish” fakulteti 3-31- guruh
talabasi

AGROILM

O'SIMLIKLARGA O'G'IT QO'LLASH VA ULARNI YAXSHI OZIQLANTIRISH BU - MO'L HOSIL OLIISH GAROVIDIR

Tuproqlarni o'rganish, tarkibi, xususiyatlari hamda ularda sodir bo'ladigan fizikaviy, fizikaviy kimyoviy va biologik jarayonlarni bilish muhim ahamiyatga ega. Tuproqdagi oziq moddalarning yalpi miqdori, ularni o'simliklar qiyin o'zlashtiradigan shakldan oson o'zlashtiradigan shaklga o'tishi va sodir bo'ladigan teskari jarayon o'simliklarning oziqlanish jarayonini belgilaydi.

Tuproq tarkibida o'simliklar oson o'zlashtiradigan oziq moddalar miqdori ko'p bo'lsa, o'g'itlarga bo'lgan ehtiyoj sezilarli darajada kamayadi, aks holda ko'proq o'g'it qo'llash taqozo etiladi. Oziqlanish jarayonida o'simlik, tuproq va o'g'it o'rtasida uzviy bog'liqlik yaqqol namoyon bo'ladi.

Tuproqqa kiritilgan o'g'itlar turli o'zgarishlarga uchraydi, tarkibidagi oziq moddalarning eruvchanligi, o'zlashtirilish darajasi va harakatchanligi o'zgaradi. Mazkur o'zgarishlar bevosita o'g'itlarning fizikaviy, kimyoviy va biologik xususiyatlari bilan bog'liqdir.

O'g'itlar ham o'z navbatida tuproqlarga sezilarli ta'sir ko'rsatadi: oziq moddalarga boyitadi, tuproq eritmasini reaksiyasini, mikrobiologik jarayonlarning hususiyati va jadalligini, shuningdek, unumdorlikka ta'sir etuvchi ayrim omillarni o'zgartiradi.

Shu bois o'g'itlarni o'rganishdan avval tuproqlarni, osimliklarni oziqlanishi va o'g'itlarga ta'sir etuvchi ayrim xossalari to'xtalish maqsadga muvofiqdir.

Tuproq havosi: Tuproq mikroorganizmlari tomonidan kislorodning o'zlashtirilishi, organik moddalarning parchalanishi va ildiz tizimining nafas olish natijasida karbonat angidrid (SO_2) hosil bo'ladi.

Shu sababdan atmosfera havosida karbonat angidrid miqdori 0,03% bo'lgani holda, tuproq havosida 1% atrofida, ba'zan 2, 3% ga yetadi.



Paxtachilik ilmiy tekshirish institutining yer maydonidagi har - xil o'g'itlarni g'o'zaga ta'sirini o'rganish uchun olib borilayotgan tajribalar.

Tuproq eritmasi: - Tuproqning eng harakatchan va faol qismi bo'lib, unda o'simliklarning oziqlanishi uchun bevosita xizmat qiladigan turli tuman jarayonlar sodir bo'ladi.

O'simliklarni oziqlanish jarayonida tuproq hamda o'g'it o'rtasidagi munosabat yanada yaqqol namoyon bo'ladi: o'g'it kiritilgan tuproqlar tarkibida oziq moddalar miqdori ortadi agrokimyoviy va agrofizikaviy xossalari yaxshilanadi. Bu albatta mo'l hosil garovidir.

D.Gadoyeva, Ch.Omonova
Seleksiya, urug'chilik va o'simliklarni
himoya qilish fakulteti 3-68 guruh talabalari.

YULG'UN (TAMARIX) TURKUMIDAGI TURLAR BIOXILMAXILLIGI VA ULARDAN FOYDALANISH

Yulg'un asosan qumli cho'llarning to'qay o'rmonzorlarida, pastliklar yoki tekis yerlarda, kuchli sho'rlangan tuproqlarda o'sadi. Yulg'un ko'p hollarda daryolarning eski irmoqlarida yoki qurigan ko'llar tubida ham uchraydi.

Xalq xo'jaligida asosan, cho'l hududlarida joylashgan asosiy massivlari tuproqni muhofazalashda va meliorativ holatini yaxshilashda katta ahamiyatga ega Bundan tashqari, terini oshlashda, sanoatda yulg'un bebaho va arzon xomashyodir. Mahalliy aholi avvaldan terini oshlashda foydalangan. Yulg'un buta bo'lib poyalari mayda va uzun, barglari mayda, po'stsimon poyalari bilan birga qo'shilib to'kilib tushadi. Tuzlar bilan to'yingan poyalari yerga to'kilib, tuproqni quritadi va sho'rlantiradi. Gullari pushti, oq rangda bo'ladi. Mevalari 3-4 bo'lakchaga ajraladigan ko'sak shaklida bo'lib, ichida ko'plab urug'lari joylashgan. Yog'ochi zich, chiroyli, kichik hajmli, manzarabop bo'lib, undan chiroyli ishlanmalar tayyorlanadi. Yulg'un issiqqa, qurg'oqchilikka chidamli, tuproqqa talabchan emas, sho'rga chidamli tez o'sadigan asal to'plovchi o'simlikdir.

Markaziy Osiyo, Volga bo'yi va Qrimda yashil devorlarda, boshqa o'simliklar bilan uyg'unlashtirib ekiladi. Sho'rxok tuproqlarda, qurg'oqchil yerlarda himoya o'rmonzorlarini yaratishda va qumlarni mustahkamlashda yulg'unning ko'p turlari qo'llaniladi.

Androsov yulg'uni (Tamarix Androssovi Litiv) Amudaryoning vodiy qismida keng tarqalgan. Balandligi 8 metrga yetadigan daraxt yoki buta. Yosh novdalar qoramtir, kattalari to'q kul rangda. Mevasi kichik 10 ta gacha urug' bo'ladi. Temiryo'l yoqalaridagi qumlarni mustahkamlash uchun ekiladi.

Siyrak shoxli yulg'un (Tamarix wild) Markaziy Osiyo Qozog'iston va Volga daryosining pastki oqimlarida tarqalgan. Bo'yi 3 metrga yetadigan buta, gullari malla yoki yashil rangda bo' -

lib, bahorda ochiladi. Bu yulg'un turi 50 yilgacha umr ko'radi. Sovuqqa chidamli, qurg'oqchilikka nihoyatta bardoshli.

Bungi yulg'uni (Tamarix bungei boiss). Qadimgi ko'llar yoki hozirgi daryo vodiylarida joylashgan qum yerlarda uchraydi. Balandligi 6-7 metrga yetadigan buta. Yozning birinchi yarmida qisqa payt qiyg'os gullaydi. Mevasi uch qirrali ko'sakcha shaklida bo'ladi. $-28^{\circ}C$ bo'lgan sovuqqa bardosh beradi. Astraxon viloyatida Astraxinskiy serin, O'rta Osiyoda jing'il nomi bilan mashhur. Asosan cho'llar, adirlar, to'qaylarda uchraydi. Juda yorug'sevlar o'simlik, soyaga chidamsiz, tanasining diametri 50 sm gacha bo'ladi. Xitoyda asosan shamol to'suvchi o'simlik sifatida ekiladi. 4 yoshga to'lgan yulg'un yoqilg'i sifatida ishlatiladi. Uning mayda shoxchalaridan baliq yetishtirishda foydalaniladi.

Sh. Isoqov "Meva, sabzavotchilik va uzumchilik"
fakulteti 3-63-guruh talabasi



Chaqaloq ko'rinishidagi nok

Xitoyliklar chaqaloq ko'rinishidagi nok mevalarini o'stirmoqda. Buning uchun meva hali kichikligida uni chaqaloq shaklidagi plastmassa qolipga solib qo'yishadi va meva shu qolip ichida o'sib, chaqaloq ko'rinishiga keladi.

SIZ UCHUN QIZIQ...

TABIATNING O'ZI TABIB

Кунгабокар мойи ўт-сафро йўли касалликлариди ижобий таъсир кўрсатади. Чунки, у ўт пуфаги ҳаракатини яхшилайти.

Агар кунгабокар мойини илик ҳолида юзга суртилса, курук, сўлинкираган терини тиниклаштиради.

Помидор таркибидаги органик кислоталар ошқозон ширасининг ажралишини уйғунлаштиради, ичак ҳаракатини яхшилайти. Сархил ёки тузланган помидорнинг эзилмаси говакли, бўшашган юз терисига никоб қилиб фойдаланилса, терини силлиқлаб жозиба беради.

Анъанавий тиббиётда турп шарбати билан асил асалнинг омукта аралашмаси изтиробли йўталга даво бўлади. Сархил турпнинг янги шарбати кобиргалараро хала хуруж қилганида, мушак огриклариди, беланги таҳдидида мазкур жойларга илик ҳолида сутилса, дарддан фориғ бўлишга ёрдам беради.

Уйқузликда қуйидагича муолажадан фойдаланиш ижобий самара беради: катик зардоби, катик ёки сут уйқу олдида ичилса, сули донини сут билан қайнатиб истеъмол қилинса уйқу тинимли ва халоватли бўлади.

Ловия дуккаклари асосида тайёрланганидан қайнатма диабет, буйрак ва қовуқ касалликлариди, бод, куймич асабларининг шамоллаши, болаларда ич кетиши, қон босимининг ортишида тавсия этилади. Ловия уни жарохат ва куйган жойларга сепилади.

Аниқ маълумотларга қараганда, киши ҳар ойда бир марта бошини лимон шарбати билан артиб турса, бош терисидаги қон томирларининг фаолиятини яхшилайти, сочининг илдизини мустаҳкамлаб, уни бемаврид тўкилишидан сақлайди.

Мандарин иштаҳани очади, бўғма, шамоллаш, ўткир бод касаллиги, кўкйўтал, тумов, грипп, ич терлама каби касалликларни даволашда ижобий таъсир кўрсатади.

Анъанавий табобатда анжир жигар, талоқ ва ўпка шамоллашини даволашда ишлатилади. Ундан тутқаноқ, асаб ва ичак касалликларини даволашда ҳам фойдаланилади. Анжир меваси ва қокисидан тайёрланган дамлама изтиробли йўталга барҳам беради, балғамни осон кўчириш хусусиятига эга.

Халқ табobati амалиётида гилос қувватбахш неъмат ҳисобланади. Замонавий тиббиётда гилос меваларини камқонлик (гипохромная анемия) касаллигида истеъмол қилиш тавсия этилади. Чунки, гилос таркибида қон ҳосил қилишда қатнашувчи темир моддаси ва витаминлар салмоқли микдорда бўлади. Гилос мевалари меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраларида тавсия этилади. У “жигилдон қайнаши” ни босади.

Э.Жўраевнинг

“Шифобахш гиёҳшарбатлар” китобидан олинди.

SEHRGAR RASSOM TUHFASI



Yoshlik go'zallikni ko'ra olgani uchun ham baxtiyordir. Go'zallikni ko'ra olish qobiliyatini yo'qotmagan kishi esa hech qachon keksaymaydi.

Yoshlik – keksalikning ijrochisi. Mazmunli o'tgan yoshlik xotirjam keksalik uchun mukofotdir. Yengil-yelpi yoshlik esa zaiflikning boshidir.

Yigirma yoki saksonda bo'lmasin, o'rganishdan to'xtadimi, odam keksayishni boshlaydi. O'rganishdan to'xtamagan odam yoshlikni qo'ldan chiqarmaydi. Hayotda eng muhimi, o'zingni yosh deb bilish.

Kattalar kabi o'z-o'zini boshqarishga, yoshidan oldinroq ulg'ayishga harakat qilgan o'spirin ko'p narsadan mahrum bo'ladi.

Tortinchoqlik yoshlik uchun zeb, ammo keksalikka qo'yilgan qadamdir.

Nazarimda, o'tgan umring qiyofangda muhrlangan. Sen bu bilan faxrlanishing kerak.

CHO'NTAKDAGI HIKMATLAR

Men uchun yosh ahamiyatsiz. Yoshini eslatadiganlar telbadirlar. O'zingni qanday his qilsang sen o'sha yoshdasan.

Yoshlik pallasida kunlar qisqa, yillar esa uzun. Keksalikda esa yillar qisqa, kunlar esa uzundur.

Yoshlik g'ayrati bizni qiyinchiliklarga boshlaydi. Keksayganimizda esa mushkul mashg'ulotlarning o'zi bizni qidirib topadi.

Yosh bo'lish bizdan uzoq vaqtni talab qiladi.

Pul bilan baxtni sotib olish mumkin emasdir. Ammo, muammoni hal qiluvchi tadqiq uchun pul qo'l keladi.

Birozgina yashab hech kim keksaymaydi. Biz o'zimizdagi xohishlardan voz kechib qariymiz. Yillar terimizni burishtirishi mumkin, ammo hissizlikdan qo'rqish kerak. Chunki u qalbni bujmaytiradi.



DAM OLISH SAHIFASI

(Ушбу ҳикоянинг боши газетамизнинг январ сонидида чоп этилган.)

БАХТЛИМИСАН СЕН, ГУЛИМ.

(Ҳикоя)

„Овсар бўлмай ўле. - деди Шерзод хонасидаги краватда ҳаёл суриб ётаркан.

- Нега телефон рақамни сен эмас у сўради. Мана икки кун бўлди хали кўнғирок қилгани йўқ. Наҳотки, энди у билан бошқа учрашсам. Менга нималар бўляпти ўзи, нега икки кундан бери уни ўйлапман. Ёки...”

Шерзоднинг бугун дам олиш куни эди. Очиғи, иш куниям ҳаёли Саидада бўлди. Саидани севиб қолдим билмас, у билан кўришишни хоҳларди.

Шерзод шифтга тикилиб ётар экан, тўсатдан телефони жиринглади. У краватда ётганча шимининг чўнтагига қўл суқиб, телефонини олди. Кичик экранга қараса, бегона рақам экан. Шерзод кўк дастакни босиб, телефонини қулоғига тутди.

- Ало, Шерзод яхшимсиз. У овозни таниди. Таниди-ю юраги гурсиллаб ура бошлади.

Шерзод икки кундан бери нима дейишни ўйлаб юрганди, аммо ҳозир шайлаганларини айтишга ожиз қолди.

- Яхшимсиз, Саида. - дея олди зўрга.

- Шерзод кечирасиз, эртасига кўнғирок қилолмадим, индинга ҳам. - Хечқиси йўқ, ишларингиз кўпайиб кетган бўлса керак. - деди-да, Саидани кўз олдига келтира бошлади.

- Шерзод агарда вақтингиз бўлса хиёбонга келинг, илтимос. - Саида илтимос сўзини чин қалбидан айтганини, Шерзод юракдан хис этди.

- Майли, йигирма дақиқаларда олдингизда бўламан.

Улар кун бўйи шаҳар айланишди. Бир-бирларига айтолмаган ҳамма гапларни айтишди. Шерзод Саида билан шаҳар айланиб анча ёзилди. Юрагига йиғилиб юрган чарқоқлар, уни бугун тарқ этди. У бир нарсани ичиди тан олди. Саидани ҳақиқатдан севиб қолганини билди. Шерзод қизларга унча эътибор бермасди. Аммо қалбиди гўзал киз суратини чизиб юарди. Саида у хоҳлаган киз бўлиб чиқди.

Шерзод учун бу йил бахт йили бўлди. Биринчиси, ўзи ёқтирган наشريётга ишга киргани, иккинчиси эса Саидани учратгани эди. Бугун у Саиданинг дадаси билан учрашгани боради. Саида ораларидаги муносабатини дадасига ёғи билан тушунтирди. У онасиз ўсгани учун, дадаси билан дўстлардек бемалол гаплашарди. Шерзод ҳақида гапирганида эса, уйга таклиф қилишини буюрди...

Шерзод наشريётдаги ишини тугатиб, такси тўхтати-да, Чилонзорга борди. У таксидан тушиб, бекат атрофидаги дўконларнинг бирига кирди-да, қоғоз кутига солинган торт билан чиқди. Шерзод уйлар ёқалаб кетаётган эди, қаршисидан гул кўтариб олган бола чиқиб қолди.

- Ука, гулингнинг донаси неча пул. - дея бошини сал эгиб қизил атиргулга бурнини теккизиб, чуқур нафас олди.

- Донаси тўрт минг сўм, нечта оласиз... - деди Шерзодга зимдан назар ташлаб.

- Бешта дона бер. - деб чўнтагидан бир даста беш юз сўмлик чикарди-да, кераклича пул санаб болага тутқазди.

Бола пулни чўнтагига солди-да, бешта дона атиргулни танлаб Шерзодга узатди. Шерзод хуш кайфият билан Саидаларнинг уйи олдига етиб келди. У илдам қадамлар билан учинчи каватга чиқди. У гулларни қўлтиғига қистириб, қора чарм тортилган эшик ёнидаги қизил тугмачани босди-да, гулни яна қўлига олди.

Зум ўтмай эшик гийқиллаб очилди. Саида эшик тутқичини ушлаб, Шерзодга бошдан оёқ разм солди. „Костюм ярашар экан“ деб ҳаёлидан ўтказди Саида.

- Кириг. - деди оҳиста жилмайиб. - Қўлингиздагини менга беринг.

- Бу сизга., - деди атиргулларни узатиб.

Шерзод Саиданинг ортидан юриб, меҳмонхонага кирди. Меҳмонхонага кириши билан, Саиданинг дадаси ўтирган стулидан турди.

Шерзод Саиданинг дадаси рўпарасидаги стулга ўтирди.

- Аввало танишиб олайлик, исмим Ҳамидулла, сизни исмингиз Шерзод тўғрими?

Шерзод „ха“ дегани ишорасини қилиб бош иргаб қўйди.

- Қизим сен ошингни тезлаштир, биз Шерзоджон билан суҳбатлашиб ўтираемиз.

Саида Шерзодга мамнун жилмайиб қўйди-да, ошхонага чиқиб кетди.

- Шерзоджон ўғлим, отангиз билан биз қалин дўст эдик, Худо раҳмат қилсин. Пешонангизда ота-онасиз ўсиш бор экан. - деб стол устидаги нондан биттасини синдириб қўйди. - Менинг шу қизимдан бошқа қувончим йўқ. Ёшлигидан эрка ўсди. Ҳар доим чуқур ўйлаб унинг айтганларига рози бўлганман. Мана, агар тақдир қўшган бўлса, иккингизнинг тўйингизни ўтказиб бериш менинг вазифам. Мен қизимни жуда яхши биламан. Сизни танлабдими, демек сиз унга муносибсиз.

Бир кун вақт топиб қариндошларингиздан қаттароғини бизникига юборинг, биласизку удумларимизни... - деган эди эшик очилиб, аввал ош иси кейин Саида кириб келди.

Шерзод тақдирдан хурсанд эди. Бугунги кун ҳаётининг энг ширин дамлари эди. Саиданинг отаси „ўғлим“ деганда, қалби алланечук бўлиб кетди. Узок йиллардан бери шу сўзни эшитиш иштиёқида юрган эди.

Шерзод энгил қадамлар билан уйнинг қоронғулик қоплаган эшигидан чиқди. Ширин ҳаёллар оғушида автобус бекати томон юра бошлади.

Бекатга келгач, Саидани кўриб хайрон қолди.

- Сен, - деди, унинг олдига келиб, - Уйда қолган эдинг-ку!

- Сизни қузатиб қўйгани чиқкан эдим. - деди мамнун жилмайиб.

Ўртага бироз илик сукунаг чўқди.

- Илтимос, чикинг машинага, бирга гаплашиб кетамиз.

- Майли, Шерзод қўлини силтаб қўйди. - Қўндирдинг!

Машина елдек учиб борарди. Нурга тўлган кўчаларни ортда қолдириб, қоронги тор кўчага бурилди. Саида машинанинг узокни ёритувчи чирогини ёқиб қўйди. У икки қўли билан рулни ушлаб олганча, Шерзодга назар ташлаб қўйди. Шерзоднинг ўтиришидан, хижолатда эканлиги шундоқ сезилиб турар эди.

- Шерзод ака сикилманг... - деди майин товушда.

- Ичимдаги ўйларни кўзимдан уқиб оласан-а, Саида- деб, Саида томонга ўтрилиб олди.

- Бир гап айтимайми? - деди, Саида газни қаттиқроқ босиб.

- Сизни софдиллингиз учун ҳам севаман. - деб Шерзодга тикилди.

- Мен ҳам...

Улар бир-бирига тикилиб туришганда, машина бамперига бир нима зарб билан урилди. Саида қўрқув аралаш тормоғи босди. Машина бир силқиниб тўхтади. Саида бу ҳолатдан қараётган бўлиб қолган, узокни ёритиб турган чироклар нурига тикилиб ўтирарди.

Шерзод хушини йиғиб олиб машинадан тушди. Оғир қадамлар билан олд тарафига юрди.

У аввал бампер остиди ётган аёлни, сўнгра қопотдаги қип-қизил қонни кўрди.

Шерзод Саиданинг ёнидаги эшикни очиб, унинг рулни ҳамон чангаллаб турган қўлидан ушлаб даста туширди.

- Менга қара - деди, чуқур нафас олиб. - Машинани мен бошқардим, тушундингми? Машинани мен бошқардим. Милициядан сўрашса, шундай тушундингми? Йиғлама, ўзингга ҳеч нарса қилмадим? Бўлди, фақат гапларимни эсингдан чиқарма...

Қора булут босган осмонда момақалдиқор гумбуради. Унинг сурун солиши еру қўкни ларзага келтирди. Ёмғир аввал эзмаланиб турди-да, сўнг шиддат билан ёға бошлади.

Шерзод камоқхона эшигидан аста чиқиб, кўзларини юмиб бироз ёмғирдан баҳра олди. У машиналар қатнаётган катта йўл томон юриб бораркан, ҳаёлини яна ўша ўй камраб олди.

Шерзод қанча фаслларни тўрт девор ичиди ўтказди. У биргина умид билан яшарди. Қамокдан озод бўлиши билан, Саида билан бахтли ҳаёт кечириш.

Шерзод суд залидан чиқиб кетаётганида Саиданинг „Сизни кутаман, бир умр бўлса ҳам кутаман“ - деган сўзларидан қувват олиб яшади. Энди у ниятига эришади.

Шерзод ҳаёллар билан бўлиб, олдида турган машинани пайкамай қолди. Машина эшиклари очилиб, бир нотаниш йигит тушди. Сўнг бошига пушти ранг рўмол ўраган Саида тушди. Саида ҳамон ўзгармаган, фақат-фақат қорни қора плашини туртиб чиқиб турарди.

Шерзод турган жойида қараётган бўлиб қолган, ҳамма нарсага чидаб турарди-ю, лекин юрагини ўртаб юборган бу ҳолатга чидалмасди. „Ҳомиладор бўлибди.“ Унинг ҳаёлидан шу ўй лип этиб ўтди.

- Кечиринг, кечиринг, Шерзод ака - деди Саида унинг ёнига келиши билан.

- Бахт...-Шерзоднинг гапиришга мажболи йўқ эди. - Бахтли бўлинглар...

Шерзод кескин бурилди-да, асфалт устидаги ёмғир томчиларини жаҳл билан босганча, боши оққан томонга югуриб кетди.

Рустам Қўчқоров "Механизация" факультети 2- босқич талабаси

BUGUNNING GAPI

MUSTAQIL O'ZBEKISTON SIYOSIY
TARAQQIYOT YO'LIDA

Barchamizga mal'um, davlatimiz siyosiy hayotida katta o'zgarishlar va islohotlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 117-moddasiga kiritilgan o'zgartirish va qo'shimchalar saylov qonunchiligini erkinlashtirish jarayonining mantiqiy davomi bo'lganligi, saylov qonunchiligida ilk bor Markaziy saylov komissiyasiga boshqa hokimiyat organlarining hech qanday aralashuvlarisiz saylovlarga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish to'g'risidagi maqomning berilganligi, shuningdek, eng muhim maqsad va vazifalardan bo'lgan Prezidentimizning "Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish" konsepsiyasi davlatimiz siyosiy hayotida muhim rol o'ynamoqda. Bu konsepsiyani 6 ta muhim tamoyili bo'lib:

1. Davlat hokimiyati va boshqaruvini demokratlashtirish; 2. Sud-huquq tizimini isloh qilish; 3. Axborot sohasini isloh qilish, so'z va axborot erkinligini ta'minlash; 4. O'zbekistonda saylov huquqi erkinligini ta'minlash, saylov qonunchiligini liberalashtirish; 5. Fuqarolik jamiyati institutini rivojlantirish;

6. Demokratik bozor munosabatlari va iqtisodiyotni liberallashtirishdan iborat.

Prezidentimiz I.A.Karimovning O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va senatning qo'shma majlisidagi deputatlarga qarata qilgan ma'ruzasida, konsepsiya ma'no-mazmuni haqida fikr yuritdi: "Biz ishlab chiqqan va bugungi kunda hayotga tatbiq etayotgan ushbu modelning ma'no-mazmuni davlat qurilishi va konstitutsiyaviy tuzumni tubdan o'zgartirish va yangilash iqtisodiyotni mafkuradan holi etish, siyosatdan ustunligini ta'minlash, davlatning bosh islohotchi vazifasini bajarishi ya'ni ularni muvofiqlashtirib borishi, qonun oldida tenglik va uning ustuvorligini ta'minlash, kuchli ijtimoiy siyosat yuritish, islohotlarni bosqichma-bosqich va izchil olib borish tamoyillariga asoslanadigan siyosiy iqtisodiy va ijtimoiy islohotlarni amalga oshirishdan iborat" deya konsepsiyaga izoh beradi.

Konsepsiyadan ko'zlangan asosiy maqsad, fuqarolar siyosiy ongini rivojlantirish, ularda siyosiy hayotga bo'lgan qarashlarni shakllantirishdir. 2014-yil 21-dekabrda bo'lib o'tgan deputatlik saylovida amalga oshirilgan

ishlar va unda yaratilgan shart-sharoitlar nechog'lik darajada ekanligi, bu islohotlarning yaqqol dalilidir.

Shu singari siyosiy sohada amalga oshirilayotgan islohotlar joriy 2015-yilda ham davom ettirilmoqda. Buni joriy yilning 29 martida O'zbekiston Respublikasi Prezidentligiga bo'lib o'tadigan saylovga tayyorgarlik misolida ko'rish mumkin. Jumladan, hozirgi vaqtda saylovgacha bo'lgan jarayonda aholini ro'yhatga olish ishlari olib borilmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti saylovi to'g'risidagi qonunning 24-moddasida, O'zbekiston Respublikasi Prezidentligiga nomzod siyosiy partiyalar va bevosita fuqarolar tomonidan ko'rsatilishi mumkinligi belgilangan. Shunga ko'ra, 2015-yil 29 martda bo'lib o'tadigan Prezidentlik saylovida siyosiy partiyalardan nomzodlar qo'yildi

1) O'z.Res.Liberal Demokratik partiyasidan I. A. Karimov.

2) Milliy Tiklanish partiyasidan Akmal Saidov.

3) Xalq Demokratik partiyasidan Hotamjon Ketmonov.

4) Adolat Sotsial Demokratik partiyasidan Narimon Umarov nomzodlari qo'yildi.

A. BOYMURODOV
1-31-guruh talabasi

КОМПЬЮТЕРНИНГ ИНСОН
САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ:

Кўзга таъсири: компьютердан кўп фойдаланганда кўзда оғриклар, кўзнинг ёшланиши, кўз қорачиклари ва кўз олмаларининг, қовоқларининг қизариши, пешона соҳасидаги оғриклар, тез чарчаш ҳолатлари кузатилади. Бу ҳолатлар – «дисплей» касаллиги деб номланади.

Қўлга таъсири: қўл бармоқларидаги оғриклар, қўлларни увишиб қолиши, қўл қафтларида ноҳуш сезиларнинг (худди чумоли ўрмалаганидек) пайдо бўлиши.

Электрмагнит нурланишларининг терига таъсири: электро-статик нурлар ҳамда майда чанг зарралари терининг очиқ жойларига тушиши оқибатида терида турли хилдаги аллергия касалликларни келтириб чиқаради, сочларнинг тўкилиши, терининг қуриши ҳам кузатилиши мумкин.

Асаб тизимига таъсири: асабнинг

таранглашиши яъни стресс ҳолатларини келтириб чиқарувчи омиллар компьютердаги маълумотларнинг йўқолиб қолиши, вирусларнинг таҳдид қилиши, интернетдан фойдаланганда маълумотларни очилиш давомийлигининг узок муддат чўзилиши.

**Компьютер билан ишлаш
жараёнида эҳтиёт бўлинг ва
қуйидаги тавсияларга амал
қилинг!**

1. Иш жойингизни ташкил қилишда қулайликларга эътибор беринг. 2. Бошингизни тик ҳолатда тутинг. 3. Гавдани ростлаган ҳолда елкани эркин тутиб ўтиринг. 4. Монитор кўзингиз қаршисида жойлашган бўлсин. 5. Қафтлар ва билакларни баравар ҳолда ушланг. 6. Стулда ўтирганда оёқлар махсус мослама устида турсин. 7. Бир хил ҳолатда ўтирманг, ҳар 30 дақиқада 10-15 дақиқалик танаффуслар билан ўрнингиздан туриб, ҳаракатда бўлинг.



Иложи борича очиқ ҳавода дам олинг. 8. Иш маълумотларини ва ҳужжатларни қулай жойда жойлаштиринг. 9. Хонани озода тутинг ва тез-тез шамоллатиб туринг. 10. Хонани намлик ҳолатини яхшилаш мақсадида махсус ҳавони намловчи мосламалардан фойдаланинг. (турли хилдаги сунъий шаршаралар, аквариумлар). Ионизаторлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Г.Азимова
«Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси» кафедраси ассистенти

E'LONLAR

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ БЎШ (ВАКАНТ) ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ
ЛАВОЗИМЛАРИГА МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Профессорлар:

1. Дехқончилик ва мелиорация асослари кафедраси (0.5 вакансия); 2. Қишлоқ хўжалиги машиналари кафедраси (0.5 вакансия); 3. Фермер хўжалигини бошқариш кафедраси (вакансия); 4. Машина трактор паркидан фойдаланиш ва техник сервис кафедраси (0.5 вакансия); 5. Мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси (0.5 вакансия).

Доцентлар:

1. Қишлоқ хўжалик машиналари кафедраси (0.5 вакансия); 2. Фермер хўжалигини бошқариш кафедраси (0.5 вакансия); 3. Қишлоқ хўжалиги электр энергетикаси ва электротехнологиялари кафедраси (0.75 вакансия); 4. Машина трактор паркидан фойдаланиш ва техник сервис кафедраси (0.75 вакансия); 5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш кафедраси; 6. Ўрмончилик ва экология; 7. Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси ва фитопатологияси кафедраси; 8. Бухгалтерия ҳисоби кафедраси; 9. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси; 10. Математика ва ахборот технологиялари кафедраси (0.5 вакансия).

Катта ўқитувчилар:

1. Бухгалтерия ҳисоби кафедраси; 2. Фалсафа кафедраси. 3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш кафедраси (0,75 вакансия); 4. Машина трактор паркидан фойдаланиш ва техник сервис кафедраси; 5. Зоотехния кафедраси.

Ассистентлар:

1. Дехқончилик ва мелиорация асослари кафедраси (0.5 вакансия); 2. Ўсимликшунослик (0.75 вакансия); 3. Мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси (0.5 вакансия); 4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш кафедраси (0,75 вакансия); 5. Зоотехния кафедраси, 6. Гуманитар фанлар кафедраси (0.5 вакансия); 7. Фалсафа кафедраси; 8. Ўрмончилик ва экология (0,5 вакансия); 9. Физика ва кимё (0,5 вакансия); 10. Қишлоқ хўжалиги биотехнологияси ва фитопатологияси кафедраси (0,5 вакансия); 11. Умумий техника фанлари ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси; 13. Қишлоқ хўжалиги электр энергетикаси ва электротехнологиялари кафедраси; 14. Машина трактор паркидан фойдаланиш ва техник сервис кафедраси; 15. Ипакчилик (0.25 вакансия); 16. Ветеринария (0.25 вакансия); 17. Математика ва ахборот технологиялари кафедраси; 18. Бухгалтерия ҳисоби кафедраси; 19. Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси (0,75 вакансия); 20. Фермер хўжалигини бошқариш кафедраси (0,5 вакансия).

Ўқитувчилар:

1. Инглиз тили кафедраси; 2. Ўзбек тили ва чет тиллар кафедраси.

Танлов учун ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: Ректор номига ёзилган ариза, сўровнома, таржимаи холи ва мазкур кафедрада ишлаш учун тегишли олий маълумоти ҳақидаги дипломи ва қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномалар.

Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишдан олдин улар томонидан синов лекциялари (университет профессор - ўқитувчилари учун – очик машғулотлар) ўтказилади. Синов лекциялари ва очик машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Танлов қатнашчиларини тест синовларидан ўтказишга йўл қўйилади.

Илгари ўзлари эгаллаб турган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлари тўғрисида ҳисобот беради.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга топширилади:

100140, Тошкент-140, Тошкент давлат аграр университети, бош бино, 3-қават, ходимлар бўлими. Телефон: 260-46-80.

**«AGRONOM»
MUASSIS:
Toshkent
Davlat
agrар
universiteti**

Gazeta Toshkent viloyati
Matbuot va axborot
boshqarmasi tomonidan
19.10.2010 y.
№03-068 raqam
bilan ro'yxatga olingan

ISSN raqami 2181-7782

Muharrir:
XOLIDA KARIMOVA
Tahrir hay'ati:
A.A. ABDUVOSIQOV, F. ASHUROVA,
D. XOLIYOVA, SH. DURXODJAYEV,
M. OURBONOVA

agronom_gazetasi@umail.uz
Tahririyat manzili: Toshkent vil.
Qibray t. Universitet ko'chasi, 2 uy

Gazeta PENTIUM IV kompyuterida sahifalandi
va TDAU Tahririyat-nashriyot bo'limida 500 nusxada
bosildi.



**Bosishga
topshirilgan vaqt
25 Fevral 2015 yil.**

